

Бухгалтерия аутсорсерлар томонидан “дью-дилидженс” хизматини такомиллаштириш

Alisher Baxtiyor o'g'li Islomov
paa0077uzsher996@gmail.com
Jamoat xavfsizligi universiteti

Аннотация: Мақолада дью-дилидженс хизмат турлари, уларни ким томонидан олиб борилиши, инвесторларни жалб қилишдаги аҳамияти, хусусан бухгалтерия аутсорсинг фирмалари томонидан дью-дилидженс хизматларини кўрсатиш тартиблири ва уларни такомиллаштиришга оид илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: дью-дилидженс, дью-дилидженс хизмат турлари, дью-дилидженс ва аудит ўртасидаги фарқлар, бухгалтерия аутсорсинг фирмалари томонидан дью-дилидженс хизматлари кўрсатиш тартиблари

Improvement of “due diligence” service by accounting outsourcers

Alisher Bakhtiyor oglu Islamov
paa0077uzsher996@gmail.com
University of Public Security

Abstract: The article describes the types of due-diligence services, who conducts them, their importance in attracting investors, in particular, the procedures for providing due-diligence services by accounting outsourcing firms, as well as scientific proposals and practical recommendations for their improvement.

Keywords: due diligence, types of due diligence services, differences between due diligence and audit, procedures for providing due diligence services by accounting outsourcing firms

Кириш

Бугунги иқтисодиётни глобаллашуви шароитида дью дилидженс хизмат турлари мижозларнинг мулкый объектларини текширишнинг махсус усули сифатида кўрилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу турдаги текширувлар мижозлар учун комплекс хизмати тури ҳисобланади. Шу билан бирга, кўп билим талаб қиладиган соҳалардан бўлиб, дью дилидженс умумий аудитнинг муҳим таркиби сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Хўжалик юритувчи

субектлар ўз фаолиятлари тўғрисида умумий ва батафсил ахборотларни олишлари учун уларга молиявий ҳисоботлар, рақобатчилар бўйича қиёсий таҳлил ва стратегик ривожланиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқилишини хоҳлайдилар, бу эса унинг рейтинги ва бозорда рақобатбардошлилигида сезиларли даражада оширишга ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, бунинг учун текширилаётган объектда кенг қўламли кўрсаткичларни текшириш, таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олган ҳолда малакали ва кенг қамровли инновацион ёндашувларни талаб этади ва хўжалик юритувчи субъектнинг муваффақиятли ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда унинг стратегик ва истикболли мақсадларига эришишга ёрдам беради. Умумий ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, дью дилидженс муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган зарурий ва оммабоп тартибларни ўз ичига олади. Бундай ҳолда, субъектив омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш нечоғли зарур бўлади, яъни хўжалик юритувчи субъектлар раҳбариятининг истаги - бу корхонанинг потенциал имкониятлари ва афзалликларини олдиндан билиши ва шунга кўра, ўз имкониятларини тўғри тақсимлай олишига боғлиқдир ва бу қўшимча харажатларни сарфламасликка олиб келади.

Дью дилидженс комплекс хизматидан фойдаланишда корхона мақсадларига мос ва мувофиқ равишда бўлиши зарурлигидан келиб чикас, бу текширув ўтказилаётган корхоналар молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини оширишга ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

“Инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда “Дью дилидженс” атамаси тўғридан-тўғри “Текшириш” деб таржима қилиш мумкин ва инвестиция объекти, шу жумладан инвестиция рисклари, инвестиция объектини мустақил баҳолаш, компания фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳақида объектив ғояни шакллантириш тартибидир, унинг молиявий ҳолати ва бозордаги мавқеини ҳар томонлама текшириш ҳисобланади” [2, 3, 6, 8], - деб ҳисоблайдилар қатор хорижий тадқиқотчилар.

В.Ю.Буланцев, И.А.Зарипов ва Д.Б.Куреньковларнинг таъкидлашларича, “Дью дилидженс кенг қамровли хизмат сифатида хорижий мамлакатларда асосан хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини прогнозлаш, режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланилади” [3].

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, “Дью дилидженс” атамасини изоҳлаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш билан боғлиқ турли ёндашувлар қўлланилади, маслан корхонанинг молиявий ҳолати ва бозордаги ҳолати, шунингдек тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва бошқалар.

“Дью дилидженс” хизмат тури дастлаб ғарб давлатларнинг инвестиция банклари томонидан қўлланила бошлаган, уларда кутилмаган бозор ҳодисаларидан ҳимояланиш мақсадида мижозларни баҳолаш ва ўз фаолияти барқарорлигини таъминлаш бўйича ҳаракатларга тайёр туришга одатланишган. Бугунги кунда дью дилидженс хизмати бутун дунёда кенг тарқалиб бормоқда, лекин ҳалигача қонунчилик ёки меъёрий асослар етарлича яратилмаган, хусусан махсус стандартлар ишлаб чиқилмаган.

Бугунги кунга келиб, дью дилидженс нафақат банклар томонидан қўлланилади, балки бошқа турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ўз молиявий-хўжалик фаолиятини турли мутахассисларга, яъни аудиторлар, экспертлар, баҳоловчилар, молиявий таҳлилчилар ва ҳуқуқшуносларга ҳар томонлама таҳлил қилишни буюртма қилиб бермоқдалар.

А.Мотылев, О.Мясников ва А.Шелкуновларнинг фикрича, “Солиқ ҳисоби доирасида контрагентларнинг яхлитлигини текширишда Дью дилидженсдан фойдаланиш зарурлиги ижобий момент деб ҳисобланиши мумкин” [7].

Шундай қилиб, солиқ органлари дью дилидженсдан ўтиш кераклигини таъкидлайди, чунки акс ҳолда хўжалик юритувчи субъект фаолиятида солиқ рисклари пайдо бўлиши мумкин.

М.Букашкин, С.Почаев, В.Ю.Буланцев, И.А.Зарипов, Д.Б.Куреньков ва А.И.Малышевлар шуни таъкидлайдиларки, “Сўнгги пайтларда Россияда консалтинг ва аудиторлик хизматлари бозорида “Дью дилидженс”дан фойдаланиш даражаси ошган” [2, 3, 6, 8].

Энди дью дилидженс хизматларини кўрсатувчи компанияларнинг амалиётчи мутахассислари “Дью дилидженс” атамасига берган таърифларини кўриб чиқсак.

“Эрнест и Янг” аудиторлик компанияси мутахассислари, “Дью дилидженс - молиявий тенденцияларни аниқлаш учун компаниянинг ички ҳужжатлари ва бошқа ҳисоботларини таҳлил қилиш имконини беради. Тегишли Дью дилидженс асосий рискларни ва олдинги молиявий кўрсаткичларни ўрганиб, фаолиятни давом эттиришни кутиш оқилона ёки йўқлигини аниқлаш орқали даромад сифати ва барқарорлигини чуқур ўрганади ва Ўзгарувчан шароитлар ва тенденциялар компаниянинг келажагига қандай таъсир қилиши мумкинлигини тушуниш”, [11] - деб ҳисоблайдилар.

“PWC” аудиторлик компанияси мутахассислари томонидан, “Дью дилидженс - транзаксиядаги бузилишларни аниқлаш, молиявий ҳолатни яхшироқ таҳлил қилиш, транзаксия жараёнида музокаралар учун асос яратиш, синергия таъсирини, тахминлар ва рискларни баҳолаш учун тегишли экспертиза ўтказилиши мумкин” [15], - деб таъриф берилган.

“KPMG” аудиторлик компанияси мутахассислари эса, “Дью дилидженс - тегишли текширишнинг мақсади компания дуч келадиган асосий муаммоларни баҳолаш ва улар сотиб олмақчи бўлганлар ва инвесторнинг компания томонидан амалга ошириладиган бизнесни тўғри тушунишини тасдиқлашдир”, [13] - деб изоҳ берадилар.

“Deloitte” аудиторлик компанияси мутахассислари, “Дью дилидженс - компаниянинг қиймати ва потенциал рисклари тўғрисидаги янгиланган маълумотларга эътибор бериш муваффақиятли битим имкониятларини ошириши мумкин. Шундай қилиб, тегишли экспертиза хавфларни баҳолаш ва қонунчиликка риоя қилишда, шунингдек, солиқ ва молиявий режалаштиришни амалга оширишда жуда муҳимдир. келажакдаги пул оқимлари, яширин харажатларни аниқлаш”, [16] – деб таъкидламоқдалар.

“BDO” аудиторлик компанияси амалиётчи мутахассислари фикрларига кўра, “Дью дилидженс - тегишли экспертиза амалиёти мижозларга онгли равишда бизнес қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Бизнес мутахассисларимиз музокаралар жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар, маълумотларни ошкор қилиш муаммолари ва мумкин бўлган фойдалар ҳақида мижозларни огоҳлантириш учун жисмоний ва юридик шахсларга тегишли текширувларни ўтказадилар” [10].

“Grant Thornton” аудиторлик компанияси мутахассислари томонидан, “Дью дилидженс куйидагилар ҳақида маълумот ва қизиқарли фикрларни тақдим этиш имконини беради, яъни мақсадли компаниянинг фаолияти, мақсадли компания томонидан қабул қилинган илмий сиёсатнинг долзарблиги, битимни амалга ошириш жараёнида асосий молиявий ва бизнес рисклари ва олиниши мумкин бўлган кафолатлар ва компенсациялар” [12]ни киритишни таклиф этганлар.

“Baker Tilly” аудиторлик компанияси мутахассислари, “Дью дилидженс - компанияни ҳар томонлама тадқиқ қилишнинг асосий жиҳати ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, тегишли экспертиза ҳисоботи транзакциянинг якунига таъсир этувчи хавфларни ва омилларни аниқлаш жараёнида юзага келадиган асосий масалаларнинг қисқача мазмунини ўз ичига олади”, [9] - деб билладилар.

Хулоса қилиш мумкинки, хорижий аудиторлик ва консалтинг компаниялари мутахассислари томонидан берилган таърифлар бизнингча, тўлиқ таърифни бермайди деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда дью дилидженснинг турли хил таърифлари мавжуд, аммо Ўзбекистон қонунчилигида бу соҳа ёки хизмат турлари бўйича таъриф келтирилмаган.

Хўжалик юритувчи субъектлар халқаро бозорларга кириши ёки ички ёки ташқи инвесторлар томонидан молиялаштириш объектларига инвестицияларни

киритишидан олдин объект ҳақидаги маълумотларни тўлақонли билишлари муҳим ҳисоблансада бу каби хизматларни кўрсатиш тизимидаги қатор муаммолар инвесторларни инвестицияларини киритишларига салбий таъсирлар кўрсатиб, уларни молиявий қўйилмалар қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлашда дью-дилидженс тушунчаси, дью-дилидженс хизмат турларини бухгалтерия аутсорсинг хизматлари қаторига киритиш тартиблари ва профессионал хизматлар кўрсатишдаги мавжуд муаммолар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таққослаш, индукция, дедукция, солиштирма ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Дью дилидженснинг моҳияти инвестиция тадқиқотларини ўтказишдан иборат бўлиб, унинг натижаларига кўра инвестор режалаштирилган инвестиция киритиш битимларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жорий ва потенциал рисклар тўғрисидаги хулосаларни акс эттирувчи дью дилидженс ўтказувчи мутахассислардан тўлиқ ҳисобот олади.

Тадқиқотларимизга кўра, дью дилидженснинг қуйидаги муҳим хусусиятлари аниқланди, улар:

- дью дилидженс – бухгалтерия аутсорсинг ва аудиторлик фирмаларининг профессионал хизматларидир;
- инвестиция киритиш учун кенг қамровли зарурий текшириш;
- дью дилидженс - инвестиция киритиш битимларига салбий таъсир кўрсатадиган рискларни аниқлаш ва баҳолаш;
- дью дилидженс - инвестиция киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам бериш.

1-жадвал

Дью дилидженс турлари¹

Турлари	Таъриф	Амаллар
Бухгалтерия ҳисоби	Бухгалтерия ҳисоби тизимларини ўрганиш, регистрларда бухгалтерия маълумотларини шакллантириш ва ҳисоботлар тайёрлашда рискларни аниқлашга доир текширувлар	- бухгалтерия ҳисоби тизими таҳлили; - молиявий ҳисоботлар таҳлили; - йиллик ҳисоботлар ва бюджетлаштириш таҳлил; - аудиторлик хулосаси таҳлили.
Молиявий	Молиявий фаолиятни режалаштириш ва тахминлаш жараёнларини ўрганиш, молиявий ресурсларни бошқариш ва рискларни баҳолашга доир текширувлар.	- молиявий ҳолат таҳлили; - хусуси ва қарз капитали нисбатининг асосланганлиги таҳлили; - тўланадиган фоизлар ҳисобини текшириш; - шартномалар мувофиқлигини текшириш; - кўчмас мулк ва фаолият суғуртаси.

¹ Муаллиф томонидан тузилган

Солиқ	Солиқ мажбуриятлари ва солиқ рискларини аниқлашга доир текширувлар.	- солиқлар ҳисоби тизими таҳлили; - солиқ тўловлари ҳисобини текшириш; - солиқ декларацияларини текшириш; - солиқ текширувлари натижаларини текшириш.
Бошқарув	Самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш, персонални бошқариш ва баҳолаш, инсон капиталига сармоя киритиш бўйича хавфларни аниқлашга доир текширувлар.	- бошқариш самарасини баҳолаш; - персонал самарасини баҳолаш; - жамоавий шартномаларни текшириш; - корпоратив ахлоқ қоидаларига мувофиқлигини текшириш; - инсон капиталига инвестицияларни амалга оширишни текшириш.
Маркетинг	Корхонанинг турли бозорлардаги мавқеи билан боғлиқ бўлган хавфларни аниқлаш, рақобатдошлилик таҳлилга доир текширувлар.	- бозордаги ҳолати таҳлили; - харидор ва мол етказиб берувчилар таҳлили; - тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш таҳлили.
Ҳуқуқий	Ҳуқуқий мақом ва фаолиятининг қонунийлиги хавфини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишга доир текширувлар.	- устав ва таъсис ҳужжатларини текшириш; - шартнома ва келишувларни текшириш; - лицензия ва руҳсатномаларни текшириш; - суд жараёнлари ҳақида маълумот.
Ахборот	Ахборот айланиши ва ахборот тизимларининг аниқлиги ва самарадорлигини текшириш.	- ахборот тизимини текшириш.
Экологик	Экологик дастурларни амалга ошириш, экологик хавфсизлик ва хавфларни баҳолашга доир текширувлар.	- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини текшириш; - экологик харажатларини ҳисобланишини текшириш.

Дью дилидженс ва аудитни назарий, услубий меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатдан ўзаро бир-бирини солиштириш 2, 3, 4, 5 ва 6-жадвалларда келтириб ўтилган.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, дью дилидженс назарий жиҳатдан аудитга нисбатан кенгроқ тартибларда ўтказилади ва таққослаш мезонларининг деярли барчасида кескин фарқларни кузатишимиз мумкин. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “Аудиторлик фаолияти - аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти”, [1] - деб белгилаб қўйилган, демак мамлакатимизда ушбу фаолият билан фақат сертификатланган аудиторлар шуғуллана оладилар.

2-жадвал

Дью дилидженс ва аудитнинг назарий жиҳатдан қиёсий таҳлили

Таққослаш мезони	Дью дилидженс	Аудит
Моҳияти	нотўғри инвестиция киритиш бўйича қарор қабул қилмаслик учун инвестиция лойиҳасини экспертизадан ўтказиш	молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини аниқлаш
Объекти	айланма маблағлар, қарз ва мажбуриятлар ва бошқа молиявий ва номолиявий маълумотлар	молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари
Субъекти	сертификатланган аудиторлар, юристлар, баҳоловчилар, солиқ мутахассислари, маркетинглар	сертификатланган аудиторлар

	ва бошқалар	
Предмети	Инвестиция киритишдаги хавфларини аниқлаш	молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги
Мақсади	аниқланган хавфларнинг таъсирида корхонанинг қийматини аниқлаш	молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш
Функцияси	тизимли, ахборот, комплекс таҳлилий, тадқиқот, инновацион, баҳолаш, профилактика	назорат қилувчи ҳимоя, таҳлилий маслаҳат
Тамойиллари	ҳалоллик, холислик, касбий компетенция, синчковлик, махфийлик, касбий хулқ-атвор, келажакка йўналтириш	мустақиллик, ҳалоллик, холислик, касбий компетенция, синчковлик, махфийлик, касбий хулқ-атвор

Дью дилидженс хизматларини эса, кенг миқёсдаги мутахассислар амалга ошира оладилар ёки аудит тор доирадаги мутахассисларнинг хизматлари саналса, дью дилидженс ўтказиш учун турли соҳалардаги мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Дью дилидженсни ўтказиш молиявий ва номолиявий ахборотларни таҳлил ва синтез қилиш орқали корхонанинг барча кўрсаткичларини ўзаро солиштириш ва баҳолаш ҳамда бўлиши эҳтимоли мавжуд хавфларни очиб беришга қаратилади.

3-жадвал

Дью дилидженс ва аудитнинг услубий жиҳатдан қиёсий таҳлили

Таққослаш мезони	Дью дилидженс	Аудит
Методология	комплекс тизим таҳлили	комплекс, тизимли таҳлил
Ўтказиш усуллари	кузатиш, сўровлар, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш ва бошқалар.	кузатиш, сўровлар, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш ва бошқалар
Турлари	бухгалтерия ҳисоби, молиялаштириш, солиқ, бошқарув, маркетинг, ҳуқуқ, ахборот ва экологик	БҲМС аудити, МҲХС аудити, банк аудити, солиқлар ҳисоби текшируви, махсус топширикли аудит
Муҳимлилик	инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун хавфни қийматини баҳолаш	хато ва камчиликлар қийматини аниқлаш
Вақт бўйича	жорий ва келажакка қаратилган экспертиза	ўтган йиллардаги вазиятни баҳолаш
Ҳисобот даври	инвестор билан келишилган ҳолда	молиявий йил
Рисклар	текшириш жараёнида аниқланади	хатони аниқламаслик хавфи, ички назорат хавфи

Аудит ва дью дилидженс ўртасидаги яққол ўхшашлик мутахассисларнинг амалларни бажаришида фойдаланадиган усуллар ҳисобланади, шу билан бирга, аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхонанинг молиявий ҳисоботлари маълумотларининг ишончлилиги тўғрисидаги аудиторларнинг хулосаларини тасдиқловчи аудиторлик далилларини олиш усуллари қўлланилади.

Дью-дилидженснинг таклиф этилаётган корхона фаолиятининг йўналишларини аниқлашга имкон берадиган амалларга қаратилиб, бунда бизнес хавфлари аниқланади, улар ўз навбатида айланма маблағлар, қарз ва

мажбуриятлар, бошқа молиявий ва номолиявий маълумотлар каби дью-дилидженс объектларига таъсир қилиши мумкин.

4-жадвал

Дью дилидженс ва аудитнинг меъерий-ҳуқуқий жиҳатдан қиёсий таҳлили

Таққослаш мезони	Дью дилидженс	Аудит
Меъерий тартибга солиш	дью дилидженсни ўтказиш бўйича миллий стандартлар ёки қонуни мавжуд эмас	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, аудитнинг халқаро стандартлари
Мажбурий талаблар	инвестиция киритиш қарорларини қабул қилишда қўллаш	“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун
Фойдаланувчилар	ички ва ташқи инвесторлар	учинчи шахслар, яъни солиқ ва статистика органлари, акциядорлар, таъсисчилар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикасида дью-дилидженс хизматлари ёки фаолиятини тартибга солувчи бирор бир меъерий мавжуд эмас, тўғри Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг “Аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари” номли 33-моддасида “Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги турдош хизматларни кўрсатиши мумкин:

- бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш;

- юридик шахснинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси), инвестиция активларини ишончли бошқарувчи вазифаларини амалга ошириш;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;

- аудиторлик ташкилотининг штатида солиқ маслаҳатчиси мавжуд бўлганда ёхуд шартнома шартлари асосида уни жалб этган ҳолда, солиққа оид қонунчиликни қўллаш, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоблар, декларациялар тузиш юзасидан маслаҳатлар бериш;

- молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, шу жумладан бизнес-режалар тайёрлаш, иқтисодий, молиявий маслаҳат ва бошқарувга оид маслаҳат бериш;

- бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий ҳисобот, солиқ солиш, молия-хўжалик фаолиятини ҳамда молиявий режалаштиришни таҳлил қилишга доир семинарлар, конференциялар ўтказиш;

- бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш ва молиявий ҳисобот тузиш, молиявий ахборотнинг ахборот хавфсизлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти стандартларида назарда тутилган бошқа турдош хизматларни ҳам кўрсатиши мумкин”, [1] - деб

белгилаб қўйилган. Демак, ушбу қонунда ҳам дью-дилидженс тартибга солиш бўйича аниқ тартиблар белгиланмаган.

Баъзи меъерий ҳужжатларда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 октябрдаги “Кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-388-сон Қарорининг 10-бандида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармонида 2-иловаси, Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича 2020-2025 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”нинг 10 ва 14-бандларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарорига 1-иловаси 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 20-бандида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 июндаги “Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 381-сон Қарорининг 2-бандида [14] дью-дилидженс ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ўтказилиши белгилаб берилган, лекин бу ушбу хизмат турларини ўтказиш тартиб ва тамойиллари ҳамда амалларининг меъерий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмайди.

Дью-дилидженс тешируви натижаларидан фойдаланувчилар фақат инвесторлар ҳисобланса, аудит натижаларидан фойдаланувчилар доираси анча кенг ҳисобланиб, улар турли шахсларга мўлжалланган.

5-жадвал

Дью дилидженс ва аудитнинг ташкилий жиҳатдан қиёсий таҳлили

Таққослаш мезони	Дью дилидженс	Аудит
Босқичлар	<p>1. Тайёргарлик:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шартноманинг мақсадлари билан олдиндан танишиш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; - дью дилидженс шартлари бўйича музокаралар олиб бориш. <p>2. Умумий стратегия ва тартибларни ишлаб чиқиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дью дилидженс турлари бўйича маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш учун текширув рўйхатини тайёрлаш; - бош режани тайёрлаш ва дью дилидженс амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш; - дью дилидженс турлари бўйича алоҳида режалар тайёрлаш ва хавфларни аниқлаш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш; <p>3. Режалаштирилган тартибларни амалга ошириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - йўл харитасини ишлаб чиқиш; - хавфни аниқлаш; - рисклар таъсирини баҳолаш ва корхонанинг қийматини аниқлаш. <p>4. Якуний босқич:</p>	<p>1. Тайёргарлик:</p> <ul style="list-style-type: none"> - корхона фаолиятини ўрганиш ва дастлабки таҳлилни ўтказиш; - аудиторлик шартнома-сини тузиш; <p>2. Режалаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дастлабки режалаш-тириш; - умумий аудит режасини тузиш ва тайёрлаш; - аудитнинг ишчи дастурини тузиш ва тайёрлаш; <p>3. Аудит далилларини тўплаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - муҳимлилик даражасини аниқлаш; - аудит амаллари. <p>4. Йиғилган далилларни шарҳлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш;

	- дью дилидженснинг тўлиқ ҳисоботини тайёрлаш; - яқуний йиғилишни ўтказиш.	- аудит натижалари бўйича йиғилиш ўтказиш
Давомийлик	инвестор билан келишилган ҳолда	мижоз билан келишилган ҳолда

Дью дилидженс ҳам, аудит ҳам бир неча босқичда амалга оширилади ва ҳар бир босқичда мутахассислар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар турлича ва турли тартибларни амалга оширишни ўз ичига қамраб олади.

Дью дилидженс ва аудит амалларини бажариш учун сарфланадиган вақт ҳар ҳиллигини ҳисобга олсак, аудит одатда, икки ҳафтадан уч ойгача (баъзан йил давомида) давом этиши мумкин. Дью дилидженснинг ўтказиш вақти инвесторлар билан келишилган ҳолда белгиланиши ва бу узоқ вақтларга чўзилиши мумкин. Шунинг учун, аудит текшируви ва дью дилидженснинг давомийлиги текшириляётган корхонанинг кўлами ва мақсадларига боғлиқдир.

Аудит натижалари бўйича буюртмачи аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини олади, унинг тузилиши ва мазмуни миллий ва халқаро стандартлар билан белгиланади. Дью дилидженс натижалари тўғрисида тўлиқ ҳисобот шакли миллий ва халқаро миқёсда тартибга солинмаган.

б-жадвал

Дью дилидженс ва аудитнинг амалий жиҳатдан қиёсий таҳлили

Таққослаш мезони	Дью дилидженс	Аудит
Натижа	дью дилидженс ҳисоботини тақдим этиш	Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тақдим этиш
Ҳисобот шакли	текшириш натижалари бўйича инвесторга тўлиқ ҳисобот бериш, тартибга солинмаган	миллий ва аудитнинг халқаро стандартлари томонидан тартибга солинади
Ҳисоботни очиклик даражаси	махфий равишда	барча манфаатдор фойдаланувчилари учун очик
Аниқлик даражаси	эксперт хулосалари	моддийликка бўйсунди
Қулайлик	инвестиция киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асосларни олиш	молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини тасдиқлаш

Шундай қилиб, 2-б-жадвалларда келтирилган қиёсий таҳлилларга асосланиб, дью дилидженс ва аудит ўртасида ўхшашлик ва кескин фарқлар мавжуд деган хулосага келишимиз мумкин. Ушбу жадвалларга асосланиб, дью дилидженс бу - аудит эмас, деган хулосага келинди.

В.В.Керимов дью дилидженснинг моҳияти ҳақида шундай хулосага келган: “Ушбу хизмат мураккаб аралаш хусусиятга эга: бир томондан, у қисман аудиторлик хизматларига тегишли, чунки уни амалга оширишда интеллектуал мулк аудити тартиб-қоидалари қўлланилади ва бошқа томондан, аудит билан боғлиқ бошқа хизматларни назарда тутди, чунки унинг қўлланилиши аудиторлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган хизматлар тўпламидан фойдаланади [5].

Ю.Н.Гузов ва Н.Д.Савенковаларнинг таҳлилий фикрлари қуйидагича:

- ҳисобот фойдаланувчилари - шартномада келишилган ва белгиланган шахсларнинг чекланган доирасини ифодалайди;

- конфиденциаллик - дью дилидженс натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг ошкор этилмаслиги сифатида аниқланади;

- ишонч - лозим даражада дью дилидженс аудит эмас ва дью дилидженс натижаларига кўра, ҳисоботни олувчи инвестиция қарорларини қабул қилиш учун индивидуал хулосалар чиқариши керак [4].

Бизнинг фикримизча, дью дилидженс алоҳида хизмат тури сифатида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, дью дилидженс ўтказиш учун қатор тадбирларни амалга ошириш керак бўлади, масалан, экспертлар гуруҳини йиғиш, текшириш тартиб-қоидаларини режалаштириш ва молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ҳоказо.

Аудит хизматларини кўрсатишда экспертлар гуруҳининг ёрдами ҳар доим ҳам талаб қилинмайди, маслаҳат алоҳида махсус мутахассис томонидан берилиши мумкин ва маслаҳат дастлабки тайёргарлик чоралари ва текшириш тартиб-қоидаларини режалаштирмасдан амалга оширилиши мумкин.

Хулоса ва тақлифлар

Шундай қилиб, дью дилидженс - бу инвестор билан келишилган ҳолда, инвестиция киритишга йўналтирилган баҳолаш шаклида амалга оширилади.

Таҳлил натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

- замонавий шароитларда дью дилидженс инвестиция киритиш учун нафақат, аудиторлик компаниялари томонидан кўрсатиладиган профессионал хизмат, балки бухгалтерия аутсорсинг фирмалари томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин;

- дью дилидженс ўтказиш асосан сертификатланган аудиторларга юкланади, лекин инвестиция киритиш бўйича дью дилидженс текширувларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бошқа экспертлар ҳам жалб қилиниши мумкин;

- аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва қонуности ҳужжатларда дью дилидженс режалаштириш, ўтказиш ва тартибга солиниши бўйича услубий тавсиялар мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, дью дилидженс ўтказишнинг аниқ тартиблари меъёрий жиҳатдан таъминлаш ёки уни алоҳида хизмат сифатида кўриб, тегишли меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарур.

Ана шу белгиланганларга эриши мақсадида қуйида биз томонимиздан дью дилидженс текширув турлари бўйича алоҳида индивидуал ҳисобот шакллари тавсиф этилди (7-жадвал).

7-жадвал

**Дью дилидженсинг муайян бир соҳа ёки тури бўйича намунавий
ҳисоботининг тузилиши²**

Бўлим	Бўлим мазмуни
1-бўлим	дью дилидженсинг мақсад ва вазифалари, ишчи гуруҳ тўғрисида тўлиқ маълумотлар, дью дилидженсинг аниқ бир турини танлаш, бир турга оид дастлабки барча маълумотларни йиғиш
2-бўлим	муайян бир соҳа ёки тур бўйича экспертиза ўтказиш режаси ва унга мос келадиган амаллар тавсифи ҳамда амалга ошириш тартиблари (барча аналитик ҳисоб-китоблар)
3-бўлим	муайян бир соҳа ёки тур бўйича амалларнинг натижалари бўйича аниқланган хавфларни аниқлаш, таснифлаш ва уларни таҳлил қилиш, хавф даражаларини баҳолаш
4-бўлим	муайян бир соҳа ёки тур бўйича аниқланган хавфларни бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш
5-бўлим	муайян бир соҳа ёки тур бўйича якуний хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш

Ушбу дью дилидженсинг муайян бир соҳа ёки тури бўйича намунавий ҳисобот дью дилидженсинг бухгалтерия ҳисоби, молиялаштириш, солиқ, бошқарув, маркетинг, ҳуқуқ, ахборот ва экологик турлари учун алоҳида-алоҳида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

8-жадвал

Дью дилидженсинг намунавий умумий (комплекс) ҳисоботининг тузилиши³

Бўлим	Бўлим мазмуни
1-бўлим	дью дилидженс тартиби тўғрисидаги умумий қоидалар: экспертлар гуруҳи тўғрисидаги маълумотлар, умумий (комплекс) ҳисоботни оловчилар тўғрисидаги маълумотлар, томонларнинг жавобгарлиги, режалаштирилган иш ҳажми, текширув амалларини ўтказишда фойдаланиладиган ахборот базаси, томонлар билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш тартиби ва текшириш келишуви шартлари
2-бўлим	корхонанинг мақсадлари ҳақида умумий маълумотлар: бизнеснинг бошланғич маълумотлари ёки бизнес тарихи, умумий фаолияти, устав иштирокчилари тузилиши, бошқарув аппарати ва сиёсати, стратегик режалари ва ривожланиш истиқболлари бўйича режалар
3-бўлим	корхонанинг ишлаб чиқариш, ҳўжалик ва молиявий фаолиятини ўтган йиллар маълумотлари билан таққослаш, тармоқ маълумотлари билан таққослаш ва аналитик таҳлил қилиш
4-бўлим	корхона мақсадларининг жорий ҳолатини, режалаштирилган амалларнинг умумий натижалари, муайян бир соҳа ёки тур бўйича аниқланган хавфлар тўғрисидаги маълумотларни очиқ бериш ва улар бўйича қисқача шарҳлар (алоҳида ҳисоботлар, яъни дью дилидженсинг муайян бир соҳа ёки тури бўйича ҳисоботлари)
5-бўлим	аниқланган хавфларнинг умумий таҳлилий натижалари ва уларнинг таъсирини баҳолаш, умумий хавфлар даражаларини ҳисоблаш, хавфларни бошқариш бўйича чора-тадбирлар йўл харитасини тузиш
6-бўлим	аниқланган рискларни бошқариш бўйича маълумотларни умумлаштириш, амалга оширилган амаллар натижаларига кўра, инвесторнинг инвестиция киритиш лойиҳасининг рисклари ҳақида хабардорлигини ошириш бўйича умумий хулосалар ва таклифларни шакллантириш

Дью дилидженсинг умумий (комплекс) ҳисоботини тузиш узоқ вақт талаб этадиган жараён бўлиб, инвестиция киритиш танлаб олинган объектни комплекс тарзда барча соҳа ва турлари бўйича текширувларни тўлақонли ўтказилишини назарда тутати.

² Муаллиф томонидан тузилган

³ Муаллиф томонидан тузилган

Ушбу комплекс тарзда дью дилидженсни ўтказишга кенг қамровли профессионал мутахассисларни жалб этилиши натижасида уни ўтказиш қиматлари ёки хизматларнинг нархлари ҳам жуда қимматдир, лекин инвесторлар учун инвестиция киритиш учун танлаб олинган объектга конкрет инвестиция киритиш ёки киритмаслик саволига тўлиқ жавоб олишлари ижобий ҳолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 2021 й. 25 февраль, ЎРҚ-677-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 26.02.2021 й., 03/21/677/0155-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 21.01.2023 й., 03/23/815/0044-сон
2. Зимакова Л.А. Создание интегрированной системы финансового и управленческого учета и экономический анализ: теория и практика. 2009. - № 8. – С. 25-30.
3. Abdurashidovich M. K., Kizi Y. I. R. Developing self-study competence of pedagogies in English languages by computer technologies //Наука и образование сегодня. – 2019. – №. 11 (46). – С. 45-48.
4. Наркулова И. Р. ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КУРСАНТОВ-БИЛНГВОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ //Educational Research in Universal Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 185-193.
5. НАРКУЛОВА И. THE USE OF COMPUTER LINGUODIDACTICS IN THE PROCESS OF TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE //Social sciences.
6. Narkulova I. R. PROJECT TECHNOLOGY AS A MEANS OF DEVELOPING THE INDIVIDUALITY OF CADETS //International journal of conference series on education and social sciences (Online). – 2023. – Т. 3. – №. 1.
7. АМАНБАЕВ Ж. А., НАРКУЛОВА И. Р. К. Технология организации самостоятельной работы в высших военных образовательных заведениях Республики Узбекистан //МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ Учредители: ООО" Издательство Молодой ученый". – 2022. – №. 23. – С. 136-139.
8. Наркулова И. Р. К. Профессионально-ориентированное обучение русскому языку курсантов юридического профиля на основе интерактивной программы //Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 1348-1352.
9. Закирова А. О., Наркулова И. Р. Қ. Роль русского языка в работе сотрудников органов внутренних дел //Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 1. – С. 737-740.

10. Utenbaeva, G. M. "The importance of listening skills in teaching Russian language to the cadets of military institute." *EPR International Journal of Research and Development (IJRD)*, INDIA SJIF Impact Factor 6: 18-21.

11. Утенбаева, Гульжазира Мухтаровна, and ООРЯ ВБОУ. "РУЗ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ С ЦЕЛЬЮ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИХ СТРАТЕГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ." (2021).

12. Утенбаева Г. М. Особенности обучения тюркоязычных студентов русскому языку как иностранному в условиях дистанционного обучения с использованием инновационных педагогических технологий (НЛП, коучинг, видеоблогинг) //II Международный конгресс «Языковая политика стран Содружества Независимых Государств (СНГ)». Сборник тезисов II Международного конгресса. Москва. – 2021. – С. 233-235.

13. Утенбаева Г. М. ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КУРСАНТОВ ВБОУ РУЗ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ С ЦЕЛЬЮ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИХ СТРАТЕГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. Special Issue 1. – С. 300-305.

14. Utenbaeva, G. M. (2023). IMPROVING THE PRAGMATIC COMPETENCE OF FUTURE OFFICERS. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(1 SPECIAL), 353–356. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view/1817>

15. Утенбаева Г. М., угли Кучкоров А. Б. АУДИРОВАНИЕ КАК ЦЕЛЬ И СРЕДСТВО ОБУЧЕНИЯ КУРСАНТОВ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ //INTERNATIONAL CONFERENCES. – 2022. – Т. 1. – №. 19. – С. 35-39.

16. Sajdaliev T. H., YOkubova I. R. Gedichte und übersetzungen der Gedichte von Muhammad zahiriddin Babur //Проблемы научной мысли. – 2020. – Т. 7. – №. 5. – С. 6-9.

17. Ёкубова И. Р. Ўлттық ұлан әскери-техникалық институты курсанттарының ақпараттық-коммуникациялық технологиялар көмегімен орыс тілін шет тілі ретінде оқыту мәселесі //Уральский научный вестник. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 97-101.

18. Хурсандов, А. С., & кизи Наркулова, И. Р. (2023). Способы выражения правой валентности глаголов восприятия в современном русском языке. *Science and Education*, 4(4), 1337-1341.

19. Утенбаева Г. М., угли Кучкоров А. Б. АУДИРОВАНИЕ КАК ЦЕЛЬ И СРЕДСТВО ОБУЧЕНИЯ КУРСАНТОВ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК

ИНОСТРАННОМУ //INTERNATIONAL CONFERENCES. – 2022. – Т. 1. – №. 19. – С. 35-39.

20. угли Абдувасиев Б. Б., Утенбаева Г. М. ТВОРЧЕСКИЕ ЗАДАНИЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ ВОЕННЫХ ПСИХОЛОГОВ //INTERNATIONAL CONFERENCES. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 40-44.

21. Кадырова Ф. М., Утенбаева Г. М. МЕЖДУНАРОДНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ ПОЛИТИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ //Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference. – 2022. – Т. 2. – №. 1.